



МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТўЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хашимов Азиз Озадович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази. faxi123456789@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a39

Аннотация

Мақолада қўшилган қиймат солиғининг моҳияти бўйича иқтисодчи олимлар томониданолиб борилган ўрганишлар тадқиқ қилиниб, металлургия саноати корхоналарида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва уни тўлаш механизмини такомиллаштириш бўйича тадқиқот олиб борилган ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: қўшилган қиймат солиғи, бевосита солиқ, солиққа тортиш, солиқ тизими, солиқ тушумлари, металлургия.

Аннотация

В статье рассмотрены проведенные экономистами исследования сущности налога на добавленную стоимость, исследования по совершенствованию механизма исчисления и уплаты налога на добавленную стоимость на металлургических предприятиях, сделаны соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: налог на добавленную стоимость, прямой налог, налогообложение, налоговая система, налоговые поступления, металлургия.

Abstract

The article examines the studies conducted by economists on the nature of value added tax, researches on the improvement of the mechanism of value added tax calculation and payment in metallurgical enterprises, and appropriate conclusions and suggestions are made.

Key words: value added tax, direct tax, taxation, tax system, tax revenues, metallurgy.

Кириш

Билвосита солиққа тортишни, шу жумладан қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Халқаро амалиётда, шу жумладан, мамлакатимиз солиқ қонунчилигида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш, тўлаш, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган айланмани аниқлаш ва солиқнинг ўрнини қоплаш механизмлари мураккаб бўлиб ҳисобланади. Бошқача айтганда, қўшилган қиймат солиғига тортиш тизими мураккабдир.

“Қўшилган қиймат солиғининг оптимал ставкаси 15-20 фоизни ташкил қилиши, ставка пасайтирилиши бюджет тушумлари етишмовчилигига олиб келиши, юқори ставканинг жорий қилиниши бизнесни яширишга олиб келиши исботланган (KPMG, Лондон), ҚҚСдан қочиш иқтисодий ўсишга, макроиқтисодий барқарорликка таъсир атиши исботланган (Georgia State University, АҚШ), Тадбиркорлик субъектларининг

асосий солиқ харажатлари қўшилган қиймат солиғига тўғри келиши асосланган (Nevin Economic Research Institute, Ирландия), Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг икки фоизли пунктга пасайтирилиши ЯИМнинг 0,56 фоиз ўсишига олиб келиши асосланган (UNDP) [1].

ҚҚС биринчи марта 1954-йил 10-апрелда Францияда жорий қилинган. Унинг ихтироси жаноб Морис Лоретга тегишли. Ҳозирги вақтда ҚҚС 137 мамлакатда қўлланилади [2].

Давлат бюджетининг даромадлар қисмида солиқ тушумларининг катта ҳиссаси қўшилган қиймат солиғига тўғри келишини ҳисобга олиб айтиш керакки, ушбу солиқ турининг ўрганишга бўлган зарурат ошиб бормоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда тадқиқотимизда металлургия саноати корхоналари мисолида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш механизмини такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги нуқтаи назаридан тадқиқот олиб борилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Жаҳонда қўшилган қийматни солиққа тортиш методикасини такомиллаштиришга оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, В.Г.Пансковнинг фикрича, ҳозирда ҚҚС 160 дан ортиқ мамлакатларда амал қилади. Қўшилган қиймат солиғининг асосий афзалликлари қиймат бетарафлик, ошкоралик, ишонч ва ўзини ҳимоя қилиш тамойили сифатида шакллантирилиши мумкин [3].

Мамлакатимиз иқтисодчилари М.И.Алимарданов, Б.Н.Абдуллаев, Б.Тошмурадова, И.М.Ниязметов, У.А.Сафаров, Х.Ж.Раджаповлар ҚҚСнинг ижобий ва салбий томонлари бўйича ўзларининг фикрларини билдиришган. М.Комиловнинг ёзишича, бугунги кунда дунёнинг 140 га яқин давлатларида қўшилган қиймат солиғи муваффақиятли қўлланилиб келмоқда [4].

Жаҳондаги айрим мамлакатларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича қўллаб келаётган ставкалари турлича. Айрим давлатларда қўлланилаётган ҚҚС ставкаси энг юқори солиқ ставка Венгрия давлатида 27 фоиз ва Швецияда 25 фоиз бўлса, энг паст солиқ ставкаси эса Сингапур ва Саудия Арабистонида 5 фоиз миқдорида белгиланган [4].

М.И.Алимарданов ва Б.Н.Абдуллаевларни такидлашча, “Қўшилган қиймат солиғининг бир неча ижобий томонлари мавжуд, аввало унинг корхоналар молиявий ҳолатига боғлиқ эмаслиги, яъни нейтраллиги уни юқори даражада ундириш имконини беради. Ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг ҳар бир босқичида ундирилганлиги учун бюджетга узлуксиз даромадлар келишини таъминлайди. Шунга қарамай, ҳозирги пайтда қўшилган қиймат солиғи корхоналар молиявий аҳволига анча оғир таъсир кўрсатмоқда. Чунки хўжалик субъектлари ва истеъмолчиларда молиявий имкониятларнинг пастлиги сабабли қўшилган қиймат солиғи ставкаси улар учун жуда юқорилиги уларда фойдага эга бўлиш имкониятини чегаралайди” [5].

Б.Тошмурадова ҚҚС борасида муаммоларга тўхталган: “Солиқ концепцияси асосида киритилган янгиликлар солиқ тизимини маълумдаражада такомиллаштирганига қарамай амалиётда уларни қўллаш борасида муаммолар, ноаниқликлар, шунингдек, солиқ органлари мутухассислари ва тадбиркорлар томонидан айрим қонунчилик қоидаларига қарама-қарши муносабатлар ҳам юзага келмоқда. Баъзи ҳолларда эса солиқ тизимининг айрим тамойилларининг бузилиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Солиқ тўловчилар ва иқтисодчи мутахассислар томонидан кўп мунозараларга сабаб бўлаётган қўшилган қиймат солиғи ҳам шулар жумласидандир” [6].

И.М.Ниязметов, У.А.Сафаров, Х.Ж.Раджапов ларнинг фикрича, ўзининг асл моҳиятига кўра ҚҚС аслида унчалик мураккаб солиқ эмас. Айниқса, тобора ривожланиб бораётган рақамли технологиялар шароитда ва бугунги кунда кенг

тарқалган инвойс (ҳисоб-фактура) усулига асосланган занжирсимон ҚҚС механизмида бюджетга тўланадиган солиқ реализация қилинган товар (хизмат)ларга нисбатан ҳисобланган ҚҚС суммаси билан мол етказиб берувчиларга тўланган (кирим қилинган) ҚҚС суммаси ўртасидаги (мусбат) фарқ сифатида осон ҳисоблаб чиқилади. Бироқ, реал ҳаётда ҚҚС механизмига турли хил имтиёзлар ва истисноларнинг қўлланилиши уни амалда мураккаблашувига олиб келган. Солиқнинг пасайтирилган (шу жумладан, нолли) ставкаларидан фойдаланиш эса ҳисобкитобларда ҚҚС манфий тафовути юзага келиши ва унинг давлат томонидан қопланиши билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши сабаб бўлган [7].

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий абстракция методи қўлланилган, хорижий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари, халқаро рейтинг маълумотлари анализ ва синтез қилиниб, таҳлил олиб борилган ва хулосалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

ҚҚС ўз моҳиятига кўра ишлаб чиқариш ва реализация занжирининг барча босқичларида ундириладиган билвосита солиқнинг бир туридир. Агар механизми тўғри шакллантирилган ва амалиётга тўғри жорий қилинган бўлса, ушбу солиқ ҳар қандай босқичда яратиладиган янги (қўшилган) қийматдан самарали солиқ ундириш имкониятини таъминлайди.

Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғининг улуши йилдан-йилга камайишига қарамасдан, ҳали ҳам сезиларли (расм).

2022 йил 30 сентябрь жами тушумда солиқ турларининг улуши (ФОИЗДА)



Расм. 2022 йил жами тушумда солиқ турларининг улуши [8]

Расмдаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак 2022 йилда жами тушумда фойда солиғининг улуши 27 фоиз бўлса, ҚҚС нинг улуши эса 22 фоизни ташкил қилган. 2022 йил 10 апрель ҳолатига кўра, мамлакатимизда 174 мингдан ортиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчилари рўйхатга олинган

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари манбаида 2019-2021 йилларда қўшилган қиймат солиғининг ўсиш динамикаси [9], млрд.сўмда

№	Кўрсаткичлар	2019 йил	жамига нисбатан % да	2020 йил	жамига нисбатан % да	2021 йил	жамига нисбатан % да
1.	Давлат бюджети даромадлари	112 165		132938		164 681	
2.	Билвосита солиқлар - жами	46 429	34,9	46 428	34,9	56 292	34,2
3.	Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)	33 810	25,4	31 177	23,5	38 439	23,3
4.	Акциз солиғи	10 316	7,8	11 697	8,8	13 088	7,9
5.	Божхона божи	2 303	1,7	3 554	2,7	4 765	2,9
6.	Бевосита солиқлар - жами	31 677	23,8	45 207	34,0	58 930	35,8
7.	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	19 681	14,8	21 257	16,0	23 036	14,0
8.	Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	14 379	10,8	20 046	15,1	26 423	16,0

1-жадвал маълумотларига таянадиган бўлсак, 2021 йилда билвосита солиқлар бўйича тушумлар 2020 йил билан солиштирганда 9,9 трлн. сўмга (21,2%) ошиб, 56,3 трлн. сўмни ташкил этди.

Қўшилган қиймат солиғи 2021 йилда 2020 йил билан солиштирганда 38,2 %га ошди. Тушумларнинг ўсиши солиқ базасининг кенгайтирилиши (солиқ ислоҳоти ўтказилиши ва солиқ имтиёзлари бекор қилиниши), иқтисодий ўсиш (шу жумладан 2020 йилда амал қилган карантин чекловларини юмшатилиши) ҳамда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш чораларини кўриш ҳисобига таъминланмоқда. ҚҚСнинг бюджетга тўлиқ келиб тушишини таъминлаш билан бир қаторда ҳисобга олинган ҚҚС суммасининг ҳисобланган солиқ суммасидан ошиши натижасида юзага келадиган солиқ ўрнини қоплаш тартиби такомиллаштирилмоқда. 2020 йил 1 июлгача фақат экспортчи компанияларга ҚҚСнинг ўрни қопланган. 2020 йил 1 июлдан бошлаб барча компанияларга ҚҚС ўрнини қоплаш имконини берувчи тизим жорий этилган ва муддатлар белгиланган. Шунингдек, 2020 йилда солиқ тўловчиларга 9,0 трлн. сўм қайтарилган бўлса, 2021 йилда қоплаш суммаси 14,4 трлн. сўмни ташкил этди. 14,4 трлн. сўм миқдоридида қоплаш суммаларини ҳисобга олганда 2021 йилда ҚҚС бўйича тушумлар ҳисоботда 38,4 трлн. сўм миқдоридида акс эттирилди (тушумлар қоплаш суммасига камайтирилган) [9].

Давлат солиқ қўмитаси томонидан иқтисодиётнинг 10 та асосий тармоғи бўйича тақсимланган ҚҚС маълумотлари тақдим қилинди (2-жадвал).

Ушбу маълумотларга кўра, ҚҚС бўйича асосий солиқ тўловчилар ишлаб чиқариш саноати, қурилиш ва савдо корхоналари ҳисобланади. 2021 йилда ушбу учта тармоққа ҚҚС тушумларининг 2/3 қисмидан кўпроқ қисми тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг такидлашича, келгуси йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга камайтирилади[11].

2-жадвал

Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил учун ҚҚС (импорт ҚҚСсиз) тармоқлар бўйича маълумоти [10]

№	Тармоқлар	сумма, млрд. сўм
1	Ахборот ва алоқа	1 520,4
2	Ишлаб чиқариш (қайта ишлаш саноати)	8 905,0
3	Қишлоқ хўжалиги	1 447,5
4	Қурилиш	4 383,6
5	Молия ва сўғурта	343,1
6	Савдо	3 930,1
7	Ташиш ва сақлаш	1 264,1
8	Тоғ-кон саноати	2 320,6
9	Хизматлар	1 348,4
10	Бошқалар	109,2

Баъзи манбаларда ҚҚСнинг ставкасини пасайиши оқибатларига ҳам тўхталишган. ҚҚС товар ва хизматлар нархига киритилганлиги сабабли, стандарт ставканинг, масалан, 15% дан 12% гача камайиши, иқтисодиётнинг реал секторидagi умумий нархлар даражасини пасайтиради (харажат дефляцияси). Ушбу модел асосида олиб борилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, иқтисодиётнинг барча 78 та тармоқлари учун ҚҚС ставкасининг 3 фоизга пасайтирилиши иқтисодиётнинг реал секторидa нархларнинг 0,81 фоизга пасайишига олиб келади. Шу билан бирга, тўғридан-тўғри таъсир (тармоқлараро ўзаро таъсирларни ҳисобга олмаган ҳолда) 0,57 фоиз пунктни, билвосита таъсир (тармоқлараро ўзаро таъсирлар) эса 0,24 фоиз пунктни ташкил этди. Бу таъсирга қайта ишлаш саноати (39%), қурилиш (14%) ва улгуржи ва чакана савдо (10%) энг кўп ҳисса қўшган, яъни ушбу учта тармоқ ҳиссасига нархларнинг умумий пасайишининг тахминан 2/3 қисми тўғри келади (0,81%).

Қайта ишлаш саноатининг йирик тармоқлари орасида нархларнинг энг кўп пасайиши кимё саноатида ва нефтни қайта ишлаш саноатида кутилади (1,31%, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича иқтисодиёт таркибидаги тармоқлар салмоғи мос равишда 1,86% ва 0,97% ни ташкил этади), асосий металллар (1,31%, 4,44%), металл бўлмаган минерал маҳсулотлар (1,24%, 1,79%), тайёр металл маҳсулотлари (1,29%, 1,02%), автотранспорт воситалари (1,34%, 3,67%) [12].

3-жадвал

“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖда 2018-2021 йиллардаги қўшилган қиймат солиғининг ўзгариш динамикаси [13], млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2018	2019	2020	2021
1.	Жами солиқ тўловлари	499239,2	472507,9	273 688,7	928 788,4
2	Қўшилган қиймат солиғи	183901,7	236935,3	35 966,4	389 099, 6
3	ҚҚС нинг улуши, фоизда	36,8	50,1	13,1	41,9

3-жадвал маълумотларига эътибор қилинса, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖда 2018-2021 йиллар мобайнида ҚҚСнинг жами солиқ тўловларидаги улуши ўзгарувчан тенденцияга эга. 2018 йилда ҚҚСнинг 36,8 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилда 50,1 фоизни, 2020 йилда 13,1 фоиз ва 2021 йилда 41,9 фоизни ташкил этаётганлигини кўришимиз мумкин. Эътиборлиси, доимий равишда бюджетга тўланадиган солиқ тўловлари ичида ҚҚСнинг ўрни доимий равишда катта бўлганлигини кўриш мумкин. Фақат 2020 йилдаги Пандемия мобайнида ҚҚСнинг улуши 13,1 фоизни ташкил этган холос, кейинги йилдан яна кескин ошиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Туркияда 2022-йил 25-октябрдан бир қатор тармоқлар учун ҚҚСни ҳисоблаш ва ушлаб қолишнинг янги қоидалари кучга киради. Хусусан, инновациялар озиқ-овқат маҳсулотлари ва қора металлургия маҳсулотлари билан тузилган операциялар бўйича солиқларни қайтариш механизмларига таъсир кўрсатди [14].

Хорижий мамлакатлар солиқ тизимларида қўшилган қиймат солиғидан бўйин товлашнинг олдини олишнинг амалиёти бугунги кунда рақамли иқтисодиёт имкониятларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Солиқ сиёсатининг 2023 йил учун асосий йўналишлари қўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайтириш, айланмадан олинандиган солиқ ставкаларини унификация қилиш, кутилаётган инфляция даражаси учун мутлақ миқдорда белгиланган ставкаларни индексация қилиш, шунингдек бюджетга солиқлар йиғишнинг тўлиқлигига қаратилган солиқ маъмуриятчилиги чораларини назарда тутати.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридагиларга асосланган ҳолда металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини қўшилган қиймат солиғига тортишни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

қўшилган қиймат солиғининг нархга таъсирини камайтириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш бўйича муддатсиз берилган солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш; ҳар хил уюшма ва ассоциациялар таркибига кирган ташкилотлар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни қайта кўриб чиқиш; товар айланмаси миқдоридан қатъи назар, барча юридик шахсларни қўшилган қиймат солиғини тўлаш режимига ўтказиш;

Қўшилган қиймат солиғига тортишни тартибга солиш мақсадида битим нархи (бозор нархи) тушунчасини Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига киритиш. Қуйидаги таҳрирда кириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “Таққосланандиган тижорат ва молиявий шароитларда айнан ўхшаш, улар йўқлигида эса – бир турдаги товарлар (хизматлар) бозорида талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган нарх товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархи деб эътироф этилади.

Агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мақсадлар учун бунинг акси ҳали исботланмаганда, солиқ солиш мақсадлари учун битим тарафлари томонидан кўрсатилган товарлар (хизматлар) нархи бозор нархи деб тан олинади.

Битим нархини бозор нархи деб тан олиш ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Кодекснинг VI қисмида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Алоҳида товарлар (хизматлар) билан операцияларни таққосланандиган тижорат ва молиявий шароитларда амалга ошириш жараёнида қўшилган қиймат солиғи, фойда

солиғи ёки айланмадан олинадиган солиғини ҳисоблаш мақсадида битим нархининг бозор нархларига мувофиқлиги, битим томонларининг ўзаро боғлиқлигини исботламасдан, соддалаштирилган тартибда текширилиши мумкин.”

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 139-моддасига қўйидаги қўшимча киритишни таклиф этамиз:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан товарларни (хизматларни) сотиб олиш ва (ёки) реализация қилиш билан боғлиқ битимларда иштирок этган контрагентлар – сотувчилар (харидорлар) томонидан қўшилган қиймат солиғининг кам тўланганлиги (солиқ ўзилиши) аниқланганда, солиқ органи ушбу барча контрагентларда сайёр солиқ текширувларини тайинлаш ҳуқуқига эга.

Бугунги кунга қадар 33 755 та корхонанинг қўшилган қиймат солиғи бўйича гувоҳномалари тўхтатилган, 18 733 та корхонанинг гувоҳномаси тугатилган, 1 988 та корхонанинг гувоҳномаси бекор қилинган. Шунингдек юридик томондан мустақамлаш мақсадида Солиқ кодексининг 237-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритишни таклиф қиламиз:

ҚҚС 237-модда. Солиқ тўловчилар

(тўртинчи қисм) Солиқ тўловчилар солиқ органларида қўшилган қиймат солиғини (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобида туради.

(бешинчи қисм) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўйидаги тартиб белгиланади:

солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномани (бундан буён ушбу бўлимда гувоҳнома деб юритилади) бериш;

гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш, тугатиш ёки бекор қилиш;

гувоҳномани ўз вақтида бермаслик ёки уни беришни рад этиш ёхуд гувоҳномани амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш, шунингдек уни ўз вақтида тикламаслик муносабати билан солиқ органининг қарори устидан шикоят қилиш;

солиқ тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобидан чиқариш.

Шунингдек хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҚҚС маъмурчилигини рақамлаштириш асосида модернизация қилиш зарур. Натижада, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ маъмурчилигининг самарадорлиги ошади; яширин иқтисодиёт қисқариб, ҚҚСнинг солиққа тортиш базаси кенгаяди; бюджетга ҚҚС бўйича тушум ошади; ҚҚС ҳисобининг шаффофлиги ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев А.Б. Солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Диссертация. Тошкент. 2020.69 бет.

2. Налоги и налоогобложение: учебное пособие / сост.: И.М.Бортникова; Донской ГАУ. – Персиановский: Донской ГАУ, 2018. – 202 с.

3. Пансков, В.Г. Изменение порядка зачисления средств НДС: введение НДС-счетов / В.Г. Пансков // Вестник АКСОР. – 2015. – № 3 (35). – С. 17-18

4. Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигини такомиллаштириш – бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш омилдир. Иқтисодиётда инновациялар - Инновации в экономике - Innovations in economy №5 | 2020

5. Алимарданов М.И., Абдуллаев Б.Н. Қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2015 йил.

6. Ташмурадова Б.Э. Қўшилган қиймат солиғи базасини аниқлаш ва ҳисоблаш хусусиятлари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021 yil.

7. Ниязметов И.М., Сафаров У.А., Раджапов Х.Ж. Қўшилган қиймат солиғи механизмини такомиллаштириш. Логистика ва иқтисодиёт. 2-сон. 2021.

8. Давлат солиқ қўмитаси сайти-<https://soliq.uz/?lang=uz>. 1.12.2022.

9. Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари-https://old.mf.uz/media/file_uz/state-budget/2021/prevd_doxodi_2021_uz.pdf

10. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

11. Шавкат Мирзиёев Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқи. 16.11.2022. <https://human.uz/2/19/10511>

12. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкаси ўзгариши оқибатларини “Харажатлар-ишлаб чиқариш” модели ёрдамида таҳлил қилиш. <https://nuz.uz/uz/iqtisodiyot/1205425-%D2%9B%D1%9Eshilgan-%D2%9Bijmat-soli%D2%93i-%D2%9B%D2%9Bs-stavkasi-%D1%9Ezgarishi-o%D2%9Bibatlarini-harazhatlar-ishlab-chi%D2%9Barish-modeli-yordamida-ta%D2%B3lil-%D2%9Bilish.html>. 1.12.2022.

13. “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг 2018-2021 йиллардаги молиявий ва солиқ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

14. Турция меняет процедуры начисления и возврата НДС. <https://internationalwealth.info/offshore-tax/turcija-menjaet-procedury-nachislenija-i-vozvrata-nds/> 1.12.2022.

15. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (1), 321–328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190

16. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. – 2021.

17. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.